

Фуқаролик жамияти ривожланишининг янги босқичи






КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ



ЖАМИЯТ

№ 43 (678)
2019 йил
8 ноябрь,
Жума

Ижтимоий-сиёсий газета  2006 йил 31 августдан чоп этила бошлаган  www.bong.uz  jamiyatgzt@mail.ru



**«Янги
Ўзбекистон —
янги сайловлар»**



**Ана ҳалоллигу
мана тирикчилик**



**«Адолат» СДП:
сайловларга
ўзгача руҳ билан**



**На оқланди,
на қамалди**




**ТЕАТРНИНГ
ХАЙРЛИ
ҚАДАМИ**

**ҚИСҚА
САТРЛАРДА
ЎҚИҢ!**

Жисмоний шахслар томонидан шахсий эҳтиёжлари учун товарларни олиб ўтишда божхона тўловларини ундиришнинг соддалаштирилган тартиби жорий этилади.

Фуқаролик жамияти ривожланишининг янги босқичи



ННТ ҳамкорликни кучайтирди

Жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида кечаётган демократик ўзгаришларда нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтларининг роли ва аҳамияти, ижтимоий фаоллигини ошириш юзасидан сўнгги вақтларда мамлакатимизда сезиларли чора-тадбирлар кўрилди.

Президентимизнинг яқинда матбуотда эълон қилинган «Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, бу борадаги ишлар янги босқичга кўтарилди. Хужжатга кўра, юртимизда илк мартаба Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази ташкил этилди.

Залворли мақсадлар сари

Унинг олдига залворли мақсадлар кўйилди. Энг биринчи навбатда, кучли ва адолатли фуқаролик жамиятини қуриш борасида амалга оширилаётган ислохотларни комплекс ўрганиш, таҳлил қилиш ҳамда баҳолашнинг яхлит, мустақил тизимини шакллантириш. Шунингдек, ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назорати механизми самарадорлигини ошириш, уларни янада ривожлантиришга оид тақлифларни ишлаб чиқиш учун илмий-амалий майдон яратиш ҳам марказ зиммасига юкланди. Пировардида, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгашининг самарали фаолиятини таъминлашга эришиш кўзда тутилган.

Жамиятимизда кенг қўлланма ислохотлар амалга оширилаётган бугунги кунда фуқароларнинг жамият тараққиёти, давлат бошқарувини амалга оширишдаги фаол иштирокини таъминлаш, бунинг учун унинг ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий асосларини яратиш муҳим вазифа бўлиб қолмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти 2018 йил 4 майдаги «Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони фуқаролик жамиятининг ривожланишида катта аҳамият касб этди.

Мазкур тузилманинг амалдаги мақсад ва вазифалари фуқаролик жамияти инсти-

туларининг фаолияти ва мамлакатда амалга оширилаётган демократик ислохотларда иштироки фақатгина мониторинг ва таҳлил қилиш ишлари билан чекланиб қолган эди.

Марказ имкониятлари

Янги тузилган фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази фуқаролик жамияти ҳолатини ўрганиш, таҳлил қилиш ва уни ривожлантириш бўйича тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқишга йўналтирилади ҳамда бу орқали Маслаҳат кенгашининг ишчи органи сифатидаги ролини тўлақонли бажаришга имкон яратлади.

Марказ томонидан халқ билан мулоқот ҳолати ва ривожланишини ўрганиш, давлат органлари фаолияти очкичилигини тизимли таҳлил қилиш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш соҳасида илмий ва эксперт доиралар иштирокида фундаментал ва амалий тадқиқотлар ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашиш каби вазифалар ижроси таъминланади. Бундан ташқари, уларнинг натижаларини умумлаштириш асосида ўрта ва узоқ истиқболда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг миллий моделини янада такомиллаштириш ҳамда стратегик йўналишларини белгилаш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш кўзда тутилмоқда.

Қабул қилинган қарор ижросини таъминлаш орқали фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий асосларини такомиллаштириш, ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш, мазкур институтларнинг жамият бошқарувидаги иштирокини кенгайтириш имконияти яратилади.

Марказ томонидан ишлаб чиқилган тақлифлар орқали ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш ўрганилади ҳамда таҳлил қилиш ташкил этилади. Шунингдек, давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан самарали

ҳамкорлиги, уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чораларининг замонавий механизми жорий этилади.

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ҳолати ва ривожланиш тенденциялари ҳақида даврий ва махсус илмий-таҳлилий маърузалар ҳамда бошқа материаллар тайёрлаш орқали фуқаролик жамияти ривожланишини, унинг институтларининг давлат органлари билан ҳамкорлик даражасини, шу билан бирга мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига қўшган ҳиссасини баҳолаш индикаторлари ишлаб чиқилади ва жорий этилади.

ННТга кўмаклашиш

Янги тузилган марказ фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, фуқаролар фаоллигини ошириш, шунингдек, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари иштирокининг муаммоларини тизимли ўрганиш имкониятларини кенгайтиради.

Давлат ва жамият ўртасида очик мулоқотни ташкил этиш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, аҳоли билан қайта алоқа механизми янги йўлга қўйиш, фуқароларнинг долзарб муаммоларини ҳал этишнинг оптимал ёндашувларини ишлаб чиқиш, халқаро ҳамкорликни ривожлантиришда фуқаролик жамияти институтларига кўмаклашиш борасида ривожланган демократик давлатлар тажрибасини ўрганиш Марказнинг олдига қўйилган асосий вазифалардан биридир.

Марказ ўзида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат бошқаруви академияси тингловчиларини ҳамда эксперт-таҳлил йўналишида кадрлар тайёрлайдиган олий ва бошқа таълим муассасалари талабаларини (тингловчиларини) иш ўрганувчи-тадқиқотчи сифатида жалб этган ҳолда илмий-ўқув лабораторияларини ташкил этиш орқали ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакилларига катта имкониятлар яратилади.

Рустам КОМИЛОВ,
Фуқаролик жамиятини
ривожлантириш маркази
директори

Бугун Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг самарадорлигини оширишга қаратилган 200 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди. Уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун зарур институционал база яратилди.

Айни пайтда фаолият кўрсатаётган 9 200 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилоти жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари, демократик қадриятларни ҳимоя қилишда, ижтимоий, маданий ва маърифий мақсадларга эришишда муҳим рол ўйнамоқда.

Шу билан бирга ушбу соҳадаги ишларнинг бугунги ҳолати амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларда фуқароларнинг сиёсий маданияти ва ҳуқуқий онгини ошириш, уларнинг маънавий ва бошқа номоддий эҳтиёжларини қондиришда нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаол иштирок этишига тўсқинлик қилаётган қатор тизимли муаммо ва камчиликлар мавжудлигидан далolat бермоқда.

Мамлакатнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланишида фуқаролик жамияти институтларининг роли ва аҳамиятини тубдан ошириш, уларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ҳамкорлигини кучайтириш, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган вазифаларни босқичма-босқич амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси билан Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий Ассоциацияси ўртасида ҳамкорлик битими имзоланди.

Ушбу битимда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий асосларини такомиллаштириш, ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш, мазкур институтларнинг жамият бошқарувидаги иштирокини кенгайтириш учун қулай шартлар яратиш масалалари бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш назарда тутилган. Шунингдек, мамлакатни модернизациялаш ва жамиятдаги демократик янгилашлар жараёнида, очик демократик давлат қурилиши, «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилини ҳаётга таъбиқ этишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг партия билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ҳам киритилган. Фуқаролик жамияти институтларининг ривожланиши ва уларни ҳимоя қилишга йўналтирилган социал-иқтисодий, ташкилий-сиёсий чораларни амалга оширишга қаратилган дастурларни тайёрлаш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш ҳам шулар жумласидан.

— Ўсиб келаётган ёш авлоднинг баркамол ривожланишига, мустақил фикрлайдиган, жамиятимиз ҳаётида муносиб ўрин эгаллайдиган, мамлакатни янгилаш ва ислоҳ қилишда ҳақиқий ҳал қилувчи куч ва таънқ бўладиган, ўз ҳаётий позицияси ҳамда мустақил эътиқодига эга ёшларни тарбиялашга қаратилган нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти самарадорлигини тизимли таҳлил қилишни ҳам ҳамкорлигимизда акс эттирдик, — дейди «Миллий тикланиш» демократик партияси раиси Алишер Қодиров. — Бунда қонунларни қабул қилиш жараёнида аҳоли, айниқса, ННТ вакиллари ўртасида ҳар томонлама муҳокама қилиш катта самара беради. Оила институтини қўллаб-қувватлашга қаратилган ижтимоий лойиҳаларни ҳамкорликда амалга ошириш ҳамда оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган ташаббуслар, ижтимоий шароити оғир бўлган ёшларни қўллаб-қувватлаш, ёшлар ва хотин-қизлар ўртасида уларни иш билан таъминлаш масалаларида ўзаро ҳамкорлик қилиш каби муҳим вазифалар кўзда тутилган.

Ушбу ҳамкорлик меморандуми келажақда иккала ташкилотнинг мақсад ва вазифаларини биргаликда амалга оширишда ватанимиз тараққиёти, юртимиз ободлиги, халқимиз фаровонлиги, миллий тикланишдан миллий юксалишга ўтаётган жадал даврда жонажон Ўзбекистонимизни ривожлантиришда муҳим ўрин эгаллашига ишонамиз.

Лутфия МИРЗАЕВА,
«Умрбоқий мерос» Ўзбекистон маданияти ва
санъати тарғибот маркази раҳбари



«Янги Ўзбекистон – янги сайловлар» унда O'zLiDePнинг ўрни

**Пойтахтимизда
Тадбиркорлар ва иш-
билармонлар хара-
кати – Ўзбекистон Ли-
берал-демократик
партиясининг IX Съезди
бўлиб ўтди.**



мутлақо янги босқичда, очиклик, ошкоралик тамойиллари ва кучли партиядаро рақобат, ғоялар ва дастурлар кураши остида бўлиб ўти-

шидан далолат беради.

— Кейинги йилларда юртимизда иш-билармонлик муҳитининг янада яхшиланиши, хусусий секторни ҳимоя қилишга қаратилган қатор фармон ва қарорлар, қўллаб-қувватловчи ҳужжатлар қабул қилингани тadbirkorlarнинг эркин фаолият олиб бориши учун мустаҳкам замин яратди, — дейди **O'zLiDeP** Сиёсий Кенгаши ижроия қўмитаси раиси **Ақтам Ҳайтов**. — Соҳалаги муваффақиятлар мамлакатимизнинг халқаро майдонда ўз ўрнига эга бўлаётгани, ялпи ички маҳсулотдаги улдуши йилдан-йилга ошиб бориши ва аҳоли турмуши фаровонлашувида ҳам яққол намоён бўлмоқда. Партиямиз мулкдорлар синфи манфаатларини йодолаш бўйича зиммасига олган вазифаларни тўлиқ бажаришга муваффақ бўляпти. Жумладан, партия хусусий бизнес вакилларининг хоҳиш-истаклари акс этган 40 га яқин қонуннинг қабул қилинишида фаол иштирок этди.

Ўтган беш йил давомида парламентдаги партия фракцияси аъзолари 90 га яқин қонун лойиҳалари ишлаб чиқишда ташаббус кўрсатди. Давлат ҳокимияти ва бошқа-

руви органларига жами 427 та депутатлик сўрови юборилди. Шундан 340 тасига жавоб олинди. O'zLiDeP фракцияси ташаббуси билан жами 6 марта «Хукумат соати» ўтказилди ва бир қатор вазирликлар раҳбарларининг ахборотлари эшитилди. Бу эса мамлакатимиз иқтисодиётининг таянч нуқтасига айланган хусусий секторнинг янада жадал ривожланишига хизмат қилмоқда.

Ўтган йиллар давомида депутатлик гуруҳлари томонидан 11 057 маротаба эшитилди, 44 035 та депутатлик сўрови, 2290 та назорат-таҳлил фаолияти амалга оширилди. Маҳаллий Кенгашларнинг доимий комиссиялари 5000 га яқин тақлиф киритилди. Уларнинг 4730 тадан ортиғи сессияларда қўриб чиқилган бўлса, 2829 таси юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинишига эришилди.

Бошланғич партия ташкилотлари ва партия аъзоларининг ўсиши, уларнинг сифат таркибини яхшилаш бўйича ҳам бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. 2015 йилда партиянинг бошланғич ташкилотлари 9329 тани ташкил этган бўлса, 2019 йил 1 октябрь ҳолатига қўра уларнинг сони 12 723 тага етди. Партия аъзоларининг сони 248 379 нафардан 754 820 нафардан ошди.

Тараққийимизнинг янги даврида халқ билан мулоқот қилиш ҳар бир идора ва ташкилотнинг устувор вазифасига айланди. Шу бос, ўтган икки йил давомида партия ҳудудий кенгашлари ва депутатлик гуруҳларидан таркиб топган ишчи гуруҳлар шакллантирилиб, жойларда «Хар бир оила – тadbirkor», «Ешлар – келажгимиз», «Обод қишлоқ», «Обод маҳалла» каби ўта муҳим дастурлар ижросини ўрганиш юзасидан электрот вакиллари

ва аҳоли билан юзма-юз мулоқотлар олиб борилди. Ишчи гуруҳ аъзолари томонидан мазкур жараҳда қарийб 180 мингта хонадонга кириб борилди ва юз минглаб инсонлар, тadbirkor ва фермерлар билан бевосита мулоқотга киришилди.

Партия қулай ишбилармонлик ва инвестициявий муҳитни яратиш, хусусий мулк ҳуқуқ ва кафолатларининг ишончли ҳимояланишини таъминлаш, тadbirkorлик ривожланиши йўлидаги барча тўсиқ ва чекловларни олиб ташлаш, «Бизнесни юритиш», глобал рақобатбардошлик, инновациялар, саноатнинг рақобатбардошлиги индекслари бўйича дунёнинг етакчи 50 та мамлаката қаторидан Ўзбекистоннинг муносиб ўрин эгаллашини таъминлаш ва етакчи халқаро ҳамда хорижий молия институтлари билан алоқаларни кенгайтиришнинг истиқболларига қаратилган аниқ вазифаларни қамраб олган.

O'zLiDeP сиёсий платформасида ўз аксини топаётган масалалардан бири 2020 – 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш (сервис) иқтисодиётини ривожлантириш Стратегиясини ишлаб чиқишдир.

Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиядан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатилади.

Съезд якунида журналистлар, иштирокчида брифинг ташкил этилди.

**Нуриддин УБАЙДУЛАЕВ,
«Жамият» мухбири**



«Адолат» СДП: сайловларга ўзгача руҳ билан

**Тошкент шаҳри-
да Ўзбекистон
«Адолат» соци-
ал-демократик
партиясининг IX
Курултойи бўлиб
ўтди.**



аъзолари «Парламент назорати тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида»ги каби 43 та қонун лойиҳасига ташаббускорлик қилди ва яхлит қонунлар қабул қилинишига эришилди.

Партиянинг «Адолат – ҳар бир инсон учун» номи Сайлов-олди дастури лойиҳасини ҳар томонлама пишиқ ва пухта бўлишига катта эътибор қаратилди. Энг асосийси, дастур партия аъзолари, бошланғич партия ташкилотлари, депутатлик корпуси, фаоллар, экспертлар ва оддий фуқаролар фикри асосида такомилга етказилди. Янги дастурда асосий эътибор суд-ҳуқуқ, соғлиқни сақлаш, таълим ва илм-фан соҳалари ҳамда ташқи ва ички сиёсатга қаратилди.

Соғлиқни сақлаш соҳасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, «Ақлди тиббиёт» тизимини шакллантириш, жойларда аҳолига малакали тиббий ёрдам кўрсатиш, дори-дармонларнинг ноқонуний айланishi устидан партиянинг қатъий позицияни билдириш, таъсирчан қонунчилик механизmlарини ишлаб чиқиш белгиланди.

Шунингдек, суд-ҳуқуқ соҳасида тергов органларининг ягона тизимини яратиш, турли йўналишларга бўлинган судларни умумлаштириш, адвокатура институти мустақиллигини таъминлаш, аҳолининг

ҳуқуқий маданияти ва билимларини ошириш, коррупцияга қарши курашишга фуқароларни кенг жалб қилиш вазифалари режалаштирилган.

Партия аъзоларининг 25 фоизи меҳнат қилаётган таълим тизимида — умумий таълим соҳасида сифатни кескин ошириш, олий таълимда қабул квоталаридан воз кечиб, илм-фаннинг иқтисодиётда ролини кучайтириш белгиланган.

Бундан ташқари, партия «прописқадан ўтиш» тизимига янгича ёндашиш, фуқароларимизнинг ўз хоҳиш-истакларидан келиб чиқиб, доимий яшаш жойини ўзи белгилаш ҳуқуқини таъминловчи қонуний базани такомиллаштириш чораларини кўрмоқда.

Дастурда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатори блогерлик фаолиятининг тегишли қонунларда ҳуқуқий асосларини шакллантириш кўзда тутилган.

Курултойда сўз олганларнинг маъруза ва чиқишларида асосий эътибор партиянинг қонунчилик ва вакиллик органларида бўлиб ўтаётган сайловларга тайёргарлиги, барча даражадаги сайлов штаблари фаолияти самарадорлиги, электрот билан самарали ишлаш масалаларига

қаратилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 70-моддасига мувофиқ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига кўрсатишга 150 нафар номзодлар маъқулланди.

Анжуманда, шунингдек, партиянинг олий органи ваколатига кирувчи бошқа масалалар ҳам қўриб чиқилди. Сиёсий Кенгаш ва Марказий Тафтиш комиссиясининг янги аъзолари сайланди. Партия Устави қабул қилинди. Қўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Курултой «Адолат» социал-демократик партияси фаолияти учун янги даврни бошлаб берди ва унинг ислохотлардаги иштирокчи янада кенгайтириш, Олий Мажлис, маҳаллий давлат вакилик органларига сайловларни самарали ташкил қилишда муҳим қadam бўлди.

Тadbirkor яқунлари бўйича маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари ходимлари учун Наримон Умаров иштирокчида брифинг ўтказилди.

**Ўзбекистон «Адолат» СДП
Матбуот хизмати**

НОЛДЭС

15.06.2016 йилда Абдураҳимов Шохрух Аъзамовичга ТДЖИ академик лисейи томонидан берилган № 285690 диплом йўқолгани сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.



Тошкент халқаро туризм ярмаркаси БМТнинг Бутунжаҳон туризм ташкилоти кўмагида «Ипак йўли таъми» миллий таомлар фестивалини ташкил этади.

Тошкент вилояти Қибрай туман тиббиёт бирлашмаси жамоаси



Тиббиёт соҳасининг барча ходимлари ва фидойиларини ҳар йили ноябрь ойининг иккинчи якшанбасида нишонланадиган касб байрами билан самимий муборакбод этади.

Саломатлик посбонларининг, аввало, ўзлари соғ бўлсин! Шундагина улар бошқалар саломатлигини тиклашда бор куч-ғайратини сарф эта олади.

Оққўрғон туман тиббиёт бирлашмаси жамоаси:

— Шифокорлар байрами юртимиздаги оқ халатлиларнинг барчасига тегишли. У шифокорми, фаррошми, ҳамширами, оқ халат кияди. Демакки, шу соҳа фидойиси, жонкуяри. Шундай экан, бу байрам ҳаммамизга муборак бўлсин!

Одамларнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун борини берадиган, етук мутахассис бўлган, оқ халат обрўсига доғ туширмаслик учун хизмат қилаётган шарафли касб эгалари — барчангизга байрам муборак!



Бекобод шаҳар тиббиёт бирлашмаси жамоаси:

— *Эл соғлиги — юрт бойлиги, дея бежиз айтилмаган. Зеро, халқи, фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлади. Бунда эса энг катта масъулият шифокорларга, яъни юртимиздаги аҳоли соғлиги учун жавобгар бўлган соҳа мутасаддиларига юкланади.*

Ушбу йўналишда хизмат қилаётган, туну кун беором бўлиб, одамлар соғлигини асраётган тиббиёт ходимларига байрам муборак бўлсин!



Қуйичирчиқ тумани тиббиёт бирлашмаси жамоаси:

Тиббиёт ходимлари байрами билан соҳада, умуман соғлиқни сақлаш тизимида фаолият юритаётган барча жонкуярларни табриклаймиз. Юртимизни тинчлик, тану жонингизни соғлиқ ҳеч қачон тарк этмасин, азиз ватандошлар!



На оқланда, на қамолда

ёхуд аросатда қолган инсон тақдири

Мудҳиш йилнинг мудҳиш воқеасини эслаш оғир. Аммо айтмаса бўлмайди. 1999 йил, 16 февраль. Тошкент. Соат чамаси 10:30 Йўл-патруль хизмати ходими Икром Қулиев ҳам ўз хизмат вазифасини, яъни Шароф Рашидов ва Алишер Навоий кўчалари кесишган чорраҳада ўтарди. Чорраҳадан давлат аҳамиятидаги ёки кузатувдаги автоуловлар карвони мутлақо ўтмасди. Шундай бўлса-да, сал нарироқдаги Шароф Рашидов ва Матбуотчилар кўчаси чорраҳасида ҳаракат ёпиларди. Ўша кун ҳам кузатувдаги делегациянинг ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга тайёргарлик кўришга рация орқали топшириқ берилади. Шунда Икром Қулиев Алишер Навоий кўчасидан Шароф Рашидов кўчасига бурилаётган трамвайни ҳам ҳар аҳтимолга қарши тўхтатади. Безовталаниб, шошаётган йўловчиларга озгина сабр қилишини илтимос қилади. Аммо йўловчилар инспектордан норози бўлиб ҳар хил гапларни айтишади.

Гап-сўзлар оқими энди курачяётган пайтда ИИВ томондан қаттиқ гумбирлаш овози эшитилди. Сал ўтмай ИИВ биноси томонидан Шароф Рашидов кўчаси бўйлаб келаётган транспорт воситаси ўша пайтдаги Нодирабегим кинотеатри қаршисида портлаб кетди. Оқибатда чамаси 200 метрлар узоқда тўхтаб қўйилган трамвай портлаш зарби кучли бўлганидан турган жойида релсдан чиқиб кетди. Бу ҳақда ўша пайтлари матбуотда ҳам ёзишганди. «Халқ сўзи» газетасининг 2000 йил 27 январдаги сониди «Ўша милиционер қасрда экан?» сарлавҳали раҳматнома чоп этилиб, унда шундай дейилганди:

«Ўтган йилнинг энг мудҳиш воқеаси — 16 февраль даҳшатлари ҳануз эсимизда. Фожиялар шундоққина ёнимда содир бўлганидани, у ҳақда эшитсам, қалтираб кетаман. Чунки мен ва бошқа йўловчилар ҳам фожия қурбони бўлишимизга сал қолган.

16 февраль эди. Ўзимга тегишли 2711-трамвай вагонини техник кўридан ўтказдим. Кейин 8-йўналиши бўйича Бейкайрагачдан Юсуф Хос Ҳожиб бекати томон юрдим. Соат 11 лар чамаси Навоий кўчасидан Ш.Рашидов кўчасига бурилаётганимизда ДАН ходими трамвайни тўхтатди.

— Ҳозир нариги томондан делегация ўтади. Сабр қилиб туринглар, — деди у йўловчиларга эшиттириб.

Бу, албатта, ишиб турган баъзи йўловчиларда норозилик уйғотди. Аммо асосан кўпчи-

лик тўғри қабул қилди. Буни қарангки, орадан уч-тўрт дақиқа ўтгач, қулқини қоматга келтирадиган тарзда кучли портлаш содир бўлди. Сўнг бу даҳшат Но-

Портлашдан ўн-ўн беш дақиқа ўтиб, тафтишчилар етиб келди. Вагон турган жойидан қўзғалмай қолди. Уч соат деганда ёрдамчи куч билан вагонни олиб кетдик. Ўша лаҳзада яна бир трамвай йўлдан чиқиб кетган, портлаш туфайли пешойнаси синган, ҳайдовчи эса ўзидан кетиб қолганди.

дирабегим кинотеатри яқинида тақорланди. Йўловчилар бундан ваҳимага тушиб, ўзларини эшикка урди. Тартибсиз ҳаракатлар бошланди. Шунда ДАН ходими дуч келган томонга қочаётган кишиларни васвасага тушмасликка чақирди ва ҳаракатни тўхта-тиб, йўловчиларни хавфсиз томон ўтказиб юборди.

Эласам, қўрқиб кетаман. Ҳисоблаб кўрдим. Агар ДАН ходими тўхтатмасанда, ўтган фурсатда, мабодо «светофор»-га тушиб қолсам, вагон айнан Нодирабегим кинотеатрининг ёнида бўларкан. Табиийки, трамвай ичидаги одамлар ҳам озмунча азият чекмасди.

Портлашдан ўн-ўн беш дақиқа ўтиб, тафтишчилар етиб келди. Вагон турган жойидан қўзғалмай қолди. Уч соат деганда ёрдамчи куч билан вагонни олиб кетдик. Ўша лаҳзада яна бир трамвай



Йўлдан чиқиб кетган, портлаш туфайли пешойнаси синган, ҳайдовчи эса ўзидан кетиб қолганди.

290 миң АҚШ доллари тура-диган трамвайни олиб кетаётиб, мен ҳам, тафтишчимиз ҳам ДАН ходимига миннатдорчилик билдирдик. Ҳали тўхтатганига норози бўлган йўловчилар энди уни кучоқлар, бағрига босарди. Лекин ўшанда унинг исми-шарифини сўрамабмиз. Аммо бир далил аниқ. Икки юзга яқин одамнинг ҳаёти-ни сақлаб қолган ўша халоскор сержант ўзбек фарзанди эди...

*Тўлқин САИДОВ,
Тошкентдаги 2-трамвай де-поси ҳайдовчиси,
йўналиш бригадири»*

Ўша халоскор йигит Икром Қулиев эди. Одамлар раҳмат айтиш учун ўз ишига сержак бўлган сержантни қидираётган пайтда,

алоқаси йўқ экан. У хизматни олиб борган чорраҳада хавфсизлик ишлари жойида бўлиб, қай-танга икки юзлаб йўловчи ҳаёти-ни сақлаб қолган экан.

Энди қандай йўл туттиш керак?

Бу ёқда И.Кулиев беш ярим ойлан зиёд ноҳақ ҳибсда сақланаётган бўлса. Бу учун кимдир жавоб бериши керак-да?! Моҳир терговчилар бунинг ҳам йўлини топишди.

— Айбингиз йўқ экан. Тез кунда уйингизга, ишингизга қайтасиз. Терговчи Шухрат Абдиевнинг гапидан Икром Қулиев енгил тортали. Бу ёғи озоқлик. Ҳақ қарор топди. Хурсанд бўлди-да, ахир. Лекин маҳбус қараса, терговчи Абдиевнинг қўлида қроғоз.

— Фақат мана шунга қўл қўйиб берсангиз бўлгани.

Икромнинг кўзи беихтиёр қроғоздаги ёзувга тушади. Унда Қулиева нисбатан қўйилган ЖКнинг илгариги 208-моддаси олиб ташланиб, ўрнига Жиноят кодексининг 207-моддаси 1-қисми, яъни мансабига со-вуққонлик билан қараган деган тамга тиркаб қўйилганди. Ҳалигина ҳақсизлик домидан қутулдим, деб суюнган инспекторнинг бу «илтифот»дан сўнг тарзуви қўлтиридан тушади. Адолатсиз таклифга рози бўлмайди. Лекин унинг додини ким ҳам эшитарди. Мажбу-лаб қўл қўйдиришади. Оқибатда 1999 йил 27 июль кунини унга нисбатан мавжуд деб топилган жиноят иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30 апрелдаги Амнистия тўғрисидаги фармонига асосан ҳара-катдан тўхтатилади. Шу билан «дело» ёпилади.

— Айбим бўлмаса-да, беш ярим ой қамоқда сақлаб, ишим-ни судга оширмай, ҳаёлимга ҳам келмаган ясама айбни тирка-риб, ҳибсхонадан чиқариб юбо-ришди, — дейди у гаптин.

Дарвоқе, Икром Қулиев уй-ита қайтади. Лекин ишга эмас. У ички ишлар ходимлари фор-масини қайта киймоқ ниятида қанча югуриб олмасин, фойдаси бўлмайди. Чунки унинг келажига аллақачон ИИВ шахсий таркиб билан ишлаш хизмати томонидан нуқта қўйилган эди. Бу шахсий таркиб билан ишлаш хизмати бошлигининг ўша пай-тдаги ўринбосари А.Юнусход-жаевнинг жавоб хатида аниқ-ти-

ниқ қилиб ёзилган. Мана, ўша жавоб:

«Жиноят кодексининг 207-моддаси, 1-қисми билан айбланиб, жиноят иши қўзғати-лган. Ҳаракатларингиз қо-нунсиз ҳисобланса-да, жиноят-нинг ижтимоий хавфи катта эмаслиги, ёшилигингиз, муқаддам судланмаганлигингизни инобат-га олиб, 1999 йил 30 апрель кунин-даги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «9 май — Хо-тира ва Қадрлаш кунин» байра-ми муносабати билан Амнистия тўғрисидаги фармонининг 8-бандига асосан Жиноят про-цессуал кодексининг 84-модда, 2-қисми қўлланилиб, жиноят иши ҳаракатдан ётқизилган ва тусталган.

Юқоридагиларга асосланиб, сизларни ички ишлар идоралари тизими хизматига қайта қа-бул қилишлик мақсадага мувофиқ эмаслигини маълум қиламиз.»

Бу ерда гап 16 февраль воқеаси бўлишига эътиборсизлик қилган, айби исботланган бир гуруҳ йўл-патруль хизмати хо-димлари ва улар қатори айбсиз Икром Қулиев ҳақида кетаяпти. Ўрмонга ўт кетса, ҳўлу қуруқ баробар ёнади, деганларидан бу. Ёки...

Бўлди, тамом!

Шундан кейин Икром Қу-лиевни ҳеч ким эшитмади. Бош прокуратурага ёзган аризаларига «ишга тиклаш масаласида ИИВ-га мурожаат этишингиз мумкин, ИИВдан эса прокуратура ёки суд томонидан оқланганингиздан кейин ишингизга қайта тиклаш масаласи кўриб чиқирилиши мум-кин», деган жавобдан нарига ўтилади. Мурожаатлари са-мара бермади. Прокуратура ва ички ишлар идорасининг инсон тақдирини ўйламайдиган айрим ходимлари туфайли изланувчан, ҳаракатчан бир калрнинг орзу ниятларига шу тарзда нуқта қўй-илди. Ўзи жигитийрон бўлиб ай-тганидек, на қамалди, на оқлан-ди. Фақатгина ишидан айрилиб, энди 31 ёшга кирганида «аросат-да» қолди.

— Қийнала-қийнала йўлим-ни топдим. Тадбиркорлик билан шуғулландим. Яхши яшайми-зи.



Чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистонда вақтинча бўлиш қоидаларини бузганлиги жиноий жавобгарликка олиб келмайди.

ТЕАТРНИНГ ХАЙРЛИ ҚАДАМИ

Абдулла Қодирий ҳаёти ҳақида ҳаммага маълум ҳақиқат шундай: истеъдодли ёзувчи қатагон қурбони бўлган, ноҳақ отиб ўлдирилган. Унинг таржимаи ҳоли билан яқиндан шуғулланган мутахассислар бир гапни айтишади: А. Қодирий машум қатагондан ўн йиллар олдин — 1926 йил март ойида илк бор қамоққа олинган. Икки йилга кесилиб, авф этилгунча, 3 ой тўққиз кун хибсда сақланган.



афсус чекади.

Қодирий қамоққа олинганида ҳам, суд жараёнида ҳам адибнинг журналда бирга ишлашган ҳамкасблари уни ҳимоя қилишмайди. «Ёзганларингни бизга кўрсатмасдан ўзинг чоп эттиргансан» деб бу

ишдан ўзларини соқит қилишади. Ҳибсдан озод бўлган дўстини кўргани келган ҳамкасблар адиб томонидан рад этилади. Бу 1926 йилда бўлган гаплар. Шундай ҳолни саҳнада кўрган томошабин шу инсонлар ҳозир ҳам орамизда бор эмасми, дейиши мумкин. Қаранг, юз йилдан кейин ҳам инсон табиати ўзгармас-я.

Спектакль бош қаҳрамони родини талкин этган артист Илҳомжон Бердиев томоша давомиди мухлислар меҳрини қозонди. Ҳар сўзиди ҳикмат, ҳамиша халқи бахтини ўйлаган ижодкор қажрафтор ҳаётнинг не-не муаммолари олдида метин иродаласини намоён этади.

Театр жамоаси ушбу саҳна асарини Абдулла Қодирийнинг 125 йиллик юбилейига совға деб тақдим этмоқда. Бу ҳақиқат, албатта. Лекин Хуршид Дўстмуҳаммад табиатан саналарга атаб асар ёзадиган адиб эмас. «Ёлғиз» қиссаи ёзувчи ижодининг навбатдаги такомиллини кўрсатиб берувчи асардир. Ушбу қисса «Шарқ юлдузи» журналида чоп этилган, адабий жамоатчилик томонидан ижобий баҳо олди, театр ижодий жамоаси мазкур асарини саҳналаштириш ташаббуси билан чиқди.

Спектакль премьерасини ҳажон билан кўраётган Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, устоз Иброҳим Ғофуровдан фикр сўраган эдик, куйидаги гапларни айтди:

— Таниқли ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммаднинг Ўзбек давлат драма театрида қўйилган «Жинлар базми» асари буюк адибимиз Абдулла Қодирий ҳақида илк саҳна асари бўлгани учун ҳам Қодирийнинг барча мухлисларини ўзига қизиқтириб қўйди. Бу саҳна асари ёзувчининг таржимаи ҳолига дахлдор бўлган, унинг ҳаётида фожиаи воқеаларни бирин-кетин бошлаб келган машҳур «Йиғинди гаплар» ўткир танқидий-публицистик мақоласининг ёзилиши, матбуотда босилиши ва унинг жамоатчилик, ўша давр ҳукумат доиралари томонидан қандай

қабул қилингани билан боғлиқ воқеаларни ёритишга бағишланган. Маълумки, «Йиғинди гаплар» асарининг дунёга келиши Қодирийнинг ўша давр ижтимоий-сиёсий ҳаёти ҳақида айрим раҳбар намояндалар Ўзбекистон ҳаётида ўйнаётган роли, олиб бораётган фаолияти кескин танқид қилинган эди. Натижада ноҳақ судга тортилган, қамоққа ташланган ёзувчининг танқидига зўравонларча муносабат билдиришга қаттиқ ва оғир ҳаракатлар бўлган эди.

— Муаллиф ҳам, актёрлар ҳам ўша давр руҳини очиб берган, — дейди ёзувчи Ёқубжон Хўҷамбердиев. — Биз Қодирийнинг бошига тушган қора кунлар ҳақида айнаи шу спектакль орқали бохабар бўлдик. Саҳна асариди терговчининг пашшадан фил ясаш хунари тўлақонли акс этибди.

Бугунги глобаллашув замониди тарихимизга мурожаат қилиб, мазийни ёлга олиш, Қодирий таърифича, хайридир. Босиб ўтилган кечаги кунимиз чин маънода ўзликни англаш ва сабоқ олиш борасиди самара келтирса, ажаб эмас.

Саҳнадаги манзара ва воқеалар ривожиди томошабинлар қалбини банд этганлигини кўрсатувчи бир омил борлигини айтишга жазм этамиз. Айрим кино залларда фильм намойиши ниҳоясида экранда титр ёзувлари пайдо бўлган заҳоти томошабинлар ташқарига йўл олишади, театрда ҳам шунга ўхшаш ҳолатлар бўлиб туради. Аммо «Жинлар базми» спектакли тугатгандан кейин ижрочиларни қутлаган томошабинлар зални тарк этишга ошиқмадилар. Гўё кейинчалик ҳам саҳна асари таъсирида яшагандай бўлишди. Томошабин баҳоси — энг одил мезон, деганлари шу бўлса керак.

Шухрат ЖАББОРОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

Таниқли ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммаднинг «Ёлғиз» асари асосиди Ўзбек давлат драма театрида Ўзбекистон санъат арбоби Олимжон Салимов режиссерлигида саҳнага қўйилган «Жинлар базми» спектакли ўша 1926 йилдаги воқеалар ҳақида ҳикоя қилади. Тўғри, ўзбек романчилигининг асосини қаламига мансуб «Жинлар базми» ҳикояси ҳам бўлган. Лекин бу ўринда ёзувчи тақдирига лоқайд қараган, ўз жонини сақлаб қолган «жинлар» ҳақида.

Абдулла Қодирий «Муштум» журналида «Овсар» тахаллуси остида «Йиғинди гаплар» мақолаларини чоп этади. Унда халқ ҳаётида учраётган камчиликлар ҳақида сатира тиги остида ниҳоятда таъсирли фикрлар баён этилади.

Бу битиклар журналхонлар томонидан шу қадар зўр қизиқиб билан кутиб олиндики, оқибатда шов-шув ўша даврнинг «манкурт» раҳбарлари кулогига ҳам этади. «Овсар» сўзини изоҳлашни талаб қилишади: «идиот» сўзи айтилади. «Заҳарханда либоралар» таърифини «ядовитая змея» деб тушунтиришади. Демак, бундай «идиот»ни қамаш керак. Ёзган асарларида фақат эъзуликни кўзлагани, ўз халқи келажатини ёрқин кўриш ниятида эканлигини тушунтиради деса, эшитадиган одамнинг ўзи йўқ.

Ёзувчининг камералошини сўраб-суриштирмай отиб ташлашади. Марҳум маҳбус шеригига ўлими олдида: «Буларнинг кўзига асло кўринма, охир-оқибатда сени отишади» деб огоҳлантиради. Бу ўша замоннинг ҳайқирғиғи эди.

Ҳақиқатга қулоқ солишмани учун ёзувчи очлик эълон қилади. Буни эшитган онализор (Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мадина Тўхтаева) боласига овқат олиб келади. Рухсат бермасликлар турган гап эди. Онанинг меҳрибонлигини, жонфидолигини томошабин кўз ўнгиди намоён бўлади. Маҳбусни тиббий кўрикдан ўтказиш учун шифокор келади. Аҳволни кўрган дўхтур: «Шундай ёзувчини қамашса-я» деб

8 ноябрь		9 ноябрь		10 ноябрь		11 ноябрь		12 ноябрь		13 ноябрь		14 ноябрь	
Б-ХАВО													
☀️ +13°C		☾ +1°C		☀️ +15°C		☾ +3°C		☀️ +16°C		☾ +2°C		☀️ +16°C	
☀️ +17°C		☾ +1°C		☀️ +16°C		☾ +4°C		☀️ +16°C		☾ +6°C			

ob-havo.uz сайтидан олинган.

ЖАМИЯТ

Муассислар:

Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази.
Ўзбекистон Республикаси Президентини хузуридаги Давлат бошқаруви академияси.
Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси.
Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди.
Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси.
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди.
Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.
Ўзбекистон экологик ҳаракати.
Ўзбекистон Республикаси Экология ва аτροφ-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси.
«Фуқаролик жамияти — Гражданское общество — Civil society» журнали.

Бош муҳаррир
Мақсуд ЖОНИХОНОВ

Таҳрир хайъати:
Рустам Комилов
Рустам Қосимов
Борий Алиқонов
Акмал Саидов
Шавкат Жавлонов

Газета таҳририятнинг компьютер бўлимида саҳифаланди.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.
Манзил: Буюк Турон кўчаси 41. Буюртма рақами Г-1114 Адади: 1403.
Жума кунни чиқади.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ. Баҳоси келишилган нарҳда.
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.
ISSN 2010-7722

Навбатчи: Нуриддин Убайдуллаев

Дизайнер: Бегали Эшонқолов

100000, Тошкент шаҳри Матбуотчилар кўчаси 32.
Маълумот учун телефонлар: (71) 233-72-77, 233-91-55
Реклама ва эълонлар учун: Электрон почта: jamiyat@umail.uz
Газета индекси — 131
«ЖАМИЯТ» дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
ЎзА яқуни:
Тошпирилган вақти: 21:15
1 2 3 4 5 6

REKLAMA

ROSHNANGI TO'LOV 0%

DIQQAT MAXSUS AKSIYA | Agar siz Bravo Max kredit magazininga xaridor olib kelsangiz sizga alohida SOVGA taqdim etiladi.

KREDIT UCHUN KERAKLI HUUJATLAR

- 1 yillik ish haqi to'g'risidagi ma'lumotnoma
- pasport nusxasi

Toshkent shahri va Toshkent viloyatida doimiy yashovchilar uchun

+998 99 449 39 61
+998 97 753 83 36
+998 94 486 36 96
@bravo_kredit_max

Toshkent shahar Qoraqamish 2/4dahasi
Moljal: Makro Super market



Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълум қилишчи, Тошкент шаҳри 150 та «Ford» русумли замонавий тез тиббий ёрдам реанимобиллари билан таъминланади